

Единый портал корпоративной информации

Объявления

АТБ "Biznesni rivojlantirish banki"

Объявление

"BIZNESNI RIVOJLANTIRISH BANKI" AKSIYADORLIK TIJORAT BANKI

ОБЪЯВЛЕНИЯ

“БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ” АТБ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядорлар!

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ (кейинги - ўринларда Банк) Кузатув кенгашининг 2023 йил 23 октябрдаги қарорига мувофиқ номинал қиймати 119,25 (Бир юз ўн тўққиз сўм 25 тийин) сўмлик 9 600 166 861 (Тўққиз миллиард олти юз миллион бир юз олтмиш олти минг саккиз юз олтмиш бир) дона оддий акцияларни чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи томонидан 2023 йил 15 ноябр куни № P0006-31 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Акциялар чиқарилиши қарорига асосан Банк акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 35-36-моддаларига асосан Банк акциядорларига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2023 йил 23 октябр ҳолатига шакллантирилган Банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Акциялар 119,25 (Бир юз ўн тўққиз сўм 25 тийин)сўм қийматда жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкга тақдим этилиши керак.

Акциядорлар акциялар учун тўловларни уларга тўланадиган дивидендлар ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқига эгалар.

Банк акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

A/15 557 065 844=B

9 600 166 861*B=C

Шунда:

15 557 065 844 – Банк устав капиталидаги умумий акциялар сони;

9 600 166 861 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони;

А – акциядорнинг Банк устав капиталидаги акциялари сони;

В – Банк устав капиталига мутаносиб равишда акциялар сони;

С – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинadиган акциялар сони.

Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумотлар олиш учун Банкга мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: +998 (78) 150-76-65.

20.11.2023

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16479/>

Дата: 25.06.2026